O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Куч — адолатда

# Адолат

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил 13 февраль

№ 6 (449)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Адолат СДП ҳаётидан

## ЕХҲТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

**11 февраль куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши қароргоҳида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Учрашув чоғида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Турғунпўлат Даминов ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази сиёсий маслаҳатчиси Мари-Карин фон Гумппенберг хоним ва унинг ассистенти Фарҳод Толиповни партиянинг мақсад ва вазифалари, ташкилий таркиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик ишлари билан таништирди.

Ўз навбатида Мари-Карин фон Гумппенберг хоним ЕХҲТнинг Тошкентдаги марказини ўз олдига қўйган мақсадлари, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар билан олиб бораётган тадбирлари ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партияларга ёрдам бериш юзасидан ташкилотнинг режалаштираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат якунида томонлар келажакда мунтазам равишда учрашиб туриш ҳақида келишиб олишди.

Бўлиб ўтган учрашувда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиблари Дилором Тошмуҳамедова ва Равшан Ҳайдаровлар иштирок этишди.



**Оператор Гулчеҳра Нурматова (суратда) «Поп фен» ўзбек-турк қўшма корхонасида меҳнат қилиб, жамоа ютуқларини бойитаётганидан доимо мамнун.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

Эроннинг Киш ҳаво йўллари авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти Бирлашган Араб Амирлигининг Шаржа шаҳрида ҳалокатга учради. Шаржа-Киш йўналиши бўйича учаётган самолёт Шаржа халқаро аэропортидан кўтарилгандан сўнг бир неча дақиқа ўтгач, қулаб тушди.

Ҳаво кемаси қолдиқлари тагидан қирқ уч кишининг жасади топилган. Самолётнинг орқа қисмигина унча зарар кўрмаган. Тасодиф туфайли икки киши ва бир бола омон қолди. Йўловчиларнинг аксарияти Эрон, Миср, Нигерия, Непал ва Филиппин нефт компаниялари ходимлари эканлиги айтилмоқда.

XXX

Грузиянинг янги президенти Михаил Саакашвили расмий ташриф билан Россияда бўлди.

Саакашвили Россия президенти Владимир Путин ва бошқа расмийлар билан учрашувда Грузиянинг келгусидаги сиёсий, иқтисодий ва халқаро масалалардаги таклифларини баён қилди. Шу билан бирга Россия ва Грузия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни амалга оширишга келишиб олинди. Грузия президенти Россияга ташрифини оддий йўловчи самолётида амалга оширди. Журналистлар билан бўлган учрашувда Саакашвили давлат иқтисодиётида ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйишни хоҳламай, шундай йўл тутганлигини айтиб ўтди.

XXX

Бағдоддан қирқ километр узоқликдаги Ал-Искандария шаҳрида кучли портлаш юз берди. Портловчи моддалар билан тўлдирилган автомобил полиция участкаси ва суд биноси ёнига ташлаб кетилган. Теракт оқибатида 50га яқин тинч аҳоли ва полиция ходимлари ҳалок бўлишди. Ўнлаб одам жароҳат олган. Ушбу терактдан сўнг АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл америкалик ҳарбийлар томонидан қўлга киритилган баъзи бир ҳужжатларни ошкор этди. Унда "Ал-Қоида" террорчилик ташкилоти Ироқдаги шиа ва сунний мазҳаблари ўртасида низо уйғотиб, фуқаролар уруши олиб бориши тўғрисида айтилган. Колин Пауэллнинг фикрича, бу ҳужжат "Ал-Қоида"нинг юқори лавозимдаги кишиси томонидан ёзилган.

XXX

Испания ва Фаластин ташқи ишлари вазирлари Набил Шаат ҳамда Анна Паласио ўртасида Мадридда ўтказилган учрашувда Исроил ва Фаластинни Европа Иттифоқига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Фаластин Европа Иттифоқи таркибига киришга чақирилган экан, Европа Иттифоқи Фаластин ва Исроил учун фойдали таклифлари билан чиқиши керак, деди Набил Шаат. Бу таклиф Франция ва Германия вакиллари билан муҳокама қилинадиган бўлди.Яқин уч йил ичида Испания Фаластин иқтисодиётига 30 миллион евро ажратишни режалаштирмоқда.

Мадриддаги учрашувда Исроилнинг "Авода" партияси раҳбари Шимон Перес Исроил ва Фаластин ЕИга кирса, бу икки давлат ўртасидаги низоларга бирмунча барҳам берилиб, тинчлик учун ҳаракатлар анча тезлашишини таъкидлади.

XXX

Вьетнамда товуқ гўштини қайти ишлаш, жўнатиш ва сотиш таъқиқи "парранда гриппи" қайд этилган жойларда ўз кучида турибди. Шу кунга қадар Вьетнамда 32 миллион дона уй паррандалари йўқ қилинди. Бу мамлакатдаги жами уй паррандаларининг 12 фоизини ташкил этади. Уларни йўқотиш Ханой ва Хощимин шаҳарларида ҳам давом этмоқда. Миллий ветеринария бошқармасининг маълум қилишича, кейинги икки кунда мамлакатнинг 27 провинциясида касалликка янги чалинганлар қайд этилмаган.

XXX

Хитойнинг Шанси провинциясида қайта таъмирланаётган объектларнинг бирида радиокатив цезий −137 солинган контейнер йўқолди. Маҳаллий маъмуриятнинг тахминича, контейнер металл тўпловчиларнинг хатоси туфайли ўғирланган бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан контейнер йўқолган Пучен округида ушбу модданинг хавфидан огоҳлантирувчи махсус огоҳлантириш эълон қилинди. Контейнерни қидиришга 120 полициячи ва 80 нафар амалдорлар жалб этилди. Ҳокимият вакиллари контейнер қандай қилиб бу ерга келиб қолгани тўғрисида маълум қилишмаяпти.

XXX

БМТ "Чегара билмас шифокорлар" халқаро ташкилотининг ходими Арян Эркел озод қилинмагунча Чеченистонда бу ва бошқа инсонпарварлик ташкилотларининг ходимлари сонини оширмасликни Москвага маълум қилди. Нидерландия фуқароси бўлмиш Эркел 2002 йилда Доғистонда ўғирлаб кетилган эди.

Москвада БМТ вакиллари ва Россиялик мулозимларнинг музокараларида Станислав Илёсов инсонпарварлик ташкилотларига Грознийга қайтишни таклиф қилди. С.Илёсов халқаро ташкилотларнинг ҳар бир ходимига қуролли соқчи бириктилишини ваъда берди.

**Ўтмиш донишмандларидан бири "Ким, бошқа одамларсиз кунимни ўтказа оламан, деса хато қилади: лекин кимки, одамларга менсиз қийин бўлади, деб ўйласа, ундан баттар хато қилади", деган экан. Халқимизда эса айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер, деган ибора бор. Зеро, ёлғиз одам адашади, ёлғизликда, танҳоликда офат, жафо кўпдир. Барча замонларда ҳам одамлар яхшилик манзиллари томон баҳамжиҳатликда, кўпчилик бўлиб, жамоа тарзида борганлар. Биз юқоридаги ҳикматлар-у, нақлларни Олтинсой туманидаги Вахшивор қишлоқ фуқаролар йиғини амалга оширган ишлар тимсолида келтирдик.**

## ВАХШИВОР ТАРАФЛАРДА МУРУВВАТ БОР

Аввало Вахшивор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди билан боғлиқ айрим маълумот ва далиллар билан танишсак, фикримиз янада ойдинлашади. Бу ҳудуд асосан тоғли ерларда жойлашган, Катта Вахшивор, Кичик Вахшивор, Лўкка, Чинор, Зардақул, Бодиҳаво, Тўхтамиш, Обшир, Ҳайрондара қишлоқларида қарийб 17 минг нафар аҳоли яшайди. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тўртта хўжалик, еттита маҳалла фуқаролар йиғини бор. Одамларга битта шифохона, 4 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та тиббий нуқта, 3 та дорихона хизмат кўрсатиб келяпти. 9 та умумий ўрт таълим мактабларида тоғликларнинг фарзандлари таълим-тарбия олишяпти. Ўтган йили Ҳайрондара қишлоғида 300 ўринли янги мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Дарвоқе, ҳайрондаралик ёшларни яна бир қувончли воқеа кутяпти. Ёпиқ спорт зали қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турибди. Шунингдек, қишлоқ одамларини табиий газ билан таъминлаш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда газ қувурлари тортиляпти. Хўжасоат-Ҳайрондара йўли таъмирланди. Бундан ташқари, тоғ қишлоқларини ўзаро боғлаб турувчи йўллар таъмирланиб, тош-шағал ётқизилди.

Вахшивор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ашир Маматраҳимов иккинчи марта шу лавозимга сайланди. Бу эса тоғликларни раисга бўлган ишончи ва хурмати нишонаси эди.

- Албатта, одамлар ишончини қозониш яхши гап, лекин бу ишончни оқлаш осон эмас, - деди А.Маматқулов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Мен айтардимки, асли ўзи одамларимиз яхши, бизнинг тоғ тарафларда азалий яхши удумлар қарор топган. Яхши одатлар унутилган эмас. Масалан, бизда ҳеч бир иш, у хоҳ бирор шахсга тегишли бўлсин, хоҳ умумники бўлсин, ҳашарсиз амалга оширилмайди. Шу нарсага қайта-қайта ишонч ҳосил қиляпманки, кўпчиликнинг ишида қут-барака бўлар эсан. Тўй-маъракаларимиз ҳам кўпчиликнинг иштирокида, аҳиллик билан ўтади. Тўйларда жанжал, муштлашишлар асло юз бермайди. Яна бир нарсадан хурсанд бўлман, бизда оила бузилишлари жуда кам учрайди. Рўзғор қурилдими, икки ёш ҳаётнинг аччиқ-чучугига ҳам, оғир-енгилига ҳам баравар чидаш, сабр қилишни ўз зиммаларига олишади. Тоғликларнинг қадимий қонунияти, одатлари шундай. Улар, таъбир жоиз бўлса, тоғ келса кемириб, сув келса, симирадилар. Бизнинг қишлоқларда етим-есир, ногирон, ёлғиз қарияларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш азалий одатдир. Одамларимиз олинадиган ажр-савобнинг энг каттасини меҳр-мурувват кўрсатишда деб биладилар. Тўй-ҳашамларда тарқатилаётган ошдан бир лаганни устига нон, қанд-курс қўйиб беморларга, уйида ётган қариялар, ногиронларга боришни канда қилмайдилар.

Раиснинг айтишича, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бирорта ҳам гиёҳванд йўқ экан. Шунингдек жиноятлар сони анча камайган. Оғир жиноятлар йўқ ҳисоби. Тоғликларнинг тўйлари ортиқча харажатларсиз, исрофгарчиликларсиз ўтади. Шунингдек бу тарафларда қудаандаларнинг қалин, мато ва бошқа нарсалар келишолмасдан, низолашиб ёки аразлашиб юрганликларини ҳам учратмайсиз.

- 2004 йил Президентимиз томонидан "Меҳр ва мурувват йили" деб аталиши яхши анъаналаримизнинг узвий давми сифатида бизга айни муддао бўлди, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Маматраҳимов суҳбатимиз поёнида. – Умидимиз борки, одамларимиз бу йил аввалгидан бир-бирларига меҳрибонроқ, мурувватлироқ бўладилар. Инсонинг табиати шундайки, у ҳамиша яхшилик оқибат кутиб яшайди. Унинг феълида соғинч бор. Агар одамлар ҳамма ерда ва ҳамиша бир-бирлари билан очиқ чирой ила юзлашсалар, ҳол сўрашсалар, мурувват кўрсатсалар, дунё янада ёришади, кўнгил кемтиклари тўлади.

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ**

## "КУРАШ"...

### Унда "Адолат" СДПнинг қуйи бўғин фаоллари ҳам фаол иштирок этиши керак. Аммо...

Келинг ўзимизга ўзимиз савол бериб кўрайлик: айни пайтда "Адолат" СДП тўлиқ шаклланган, ўз фаолияти билан бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган вилоят ёки туман борми? Бор. Бўлганида ҳам анчагина. Ҳозир Республикамизнинг барча вилоятларида, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистонда партия Кенгашлари партиямизнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан иш олиб бормоқда. Шунга мونанд қатор туман ва шаҳарларда ҳам партия ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Мана, партия фаоллари ва аъзолари энг кўп дея қайд этилаётган Самарқанд вилоятида "Адолат" СДП Дастурига тўла риоя қилиш, уни амалга ошириш механизмларини шакллантириш борасида катта ишлар қилинаяпти, изланишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу айниқса, Республикамизда бўлиб ўтган "ОБУНА МАВСУМИ"да яққол намоён бўлди. Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентига ва маҳаллий Кенгашларга бўлажак сайловлар бўсағасида бу вилоят партия ташкилоти "Адолат" газетасига обунани яхши ташкил этиб берди. Ахир, бўлажак сайловларда партиямиз томонидан кўрсатилган номзодлар энг аввало партиямизнинг ўз газетасида тарғиб қилинади-да. Аммо айрим вилоят партия Кенгашлари бу масалада сусткашликка йўл қўймоқда. Масалан, Наманган вилоят партия Кенгаши ҳеч қандай амалий чора кўрмаяпти.

Наманган вилояти бўйича обуна кўрсаткичларини кўрганда шахсан ўзим ҳам наманганлик бўлганлигим боис баъзан уялиб кетаман. Сабаби аҳоли зич жойлашган Наманган вилоятидай ҳудудда 2004 йилнинг 1 февралига қадар атиги 18 киши "Адолат" газетасига обуна бўлибди. Бу кўрсаткичнинг ўзиёқ вилоятдаги партия аъзоларининг ўз ишларига, нашрларига нисбатан бўлган муносабатини яққол кўрсатиб турибди. Шу ўринда, яхшиси бир мисолни келтирайлик: ўтаётган ҳафтанинг сешанба куни биз Наманган вилоятининг Косонсой туманида бўлдик ва "Адолат" СДПнинг Косонсой туман Кенгаши ҳаёти билан қизиқдик.

Таассуфки, Косонсой тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Баҳром Саидметовдан тортиб, ҳокимнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдуқаҳҳор Сатторовгача "Адолат" СДПнинг туман Кенгаши биринчи котиби ким эканлигини билишмас экан.

— "Орготдел"дагиларга сим қоқиб тайинладим, ҳозир аниқлашади, — деди А.Сатторов.

Дарҳақиқат, "Орготдел"дагилар кўп куттиришмади. Абдуқаҳҳор ака телефонда яна ким биландир гаплашиб бўлгач, бизга юзланди:

— Котибнинг исми шарифи Абдурайим Мўйдинов экан, лекин у ҳозир Косонсойда эмасмиш...

— Қаерда эмиш?

— Москвада... тижорат ташвиши билан кетган экан, ҳали қайтмабди.

Ана холос! Мана сизга маҳаллий ижро ҳокимияти устидан назорат ўрнатиши керак бўлган ШАХСнинг аҳволи. Мана сизга сиёсий фаоллигу, бўлажак сайловларда ютиб чиқиш учун кетаётган "КУРАШ"...

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Адолат"нинг ўз мухбири**

*Тошкентда АҚШ ҳукуматининг "Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги" (EXBS) дастури доирасида мамлакатимиз чегарачиларига қиймати 1 миллион 189 минг 348 АҚШ долларига тенг техникалар топширилди. Техникани Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари - Чегара қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант Ғофуржон Тишаев қабул қилиб олди.*

## EXBS ДАСТУРИ АМАЛДА

- Бешта Камаз-53215 русумли , 40 та Урал-43206 русумдаги юк машиналари, 50 та Honda генератори, 200 та Никон дурбини, 150 та қўл фонари ва олтита портатив компютер қўмита ходимларининг ўз вазифаларини бажариш имкониятларини сезиларли даражада оширади,-деди АҚШнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл.

- EXBS дастури АҚШнинг Божхона ва чегарани қўриқлаш агентлиги томонидан тадбиқ этилган дастур бўлиб, оммавий қирғин қуролларини, уларни манзилга етказиш тизимини, улар билан боғлиқ бўлган технологияларни ҳамда бошқа турдаги қуролларни тарқалишига барҳам беришга қаратилган. Ўзбекистонда ушбу дастур доирасида қуролларни тарқатмаслик ва экспорт назорати бўйича турли ёрдам кўрсатилмоқда.

Элчининг таъкидлашича, кейинги бир неча ой мобайнида EXBS дастури доирасида қиймати 600 минг АҚШ долларига тенг тунда кўриш жиҳозлари, сунъий йўлдош тизими орқали позицияни аниқлаш (GPS), стабилизаторлар, батареялар, металл детекторлардан иборат техникаларни бериш режалаштирилган. Шунингдек қиймати 6,5 миллион долларга тенг бўлган иккита вертолёт тренажёри ва 5,8 миллион долларга тенг иккита патрул катери етказилади.

**А. ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

## "ТАШАББУС -2004" БУХОРОДА

**Бухоро шаҳрида "Ташаббус-2004" кўрик танлови ўтказилди. Унда йигирма нафардан зиёд тадбиркор ва ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Ғолиблар эндиликда танловнинг вилоят босқичига йўл олишади.**

Танловнинг "Энг яхши тадбиркор" йўналишида биринчи ўрин "OFS" хусусий фирмаси раҳбари Олим Фозиловга, "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида наққош Николай Анисимовга, "Энг яхши тадбиркор аёл" " йўналишида кулол Замира Жўраева ҳамда "Энг ёш тадбиркор" йўналишида эса "Қалдирғоч" хусусий корхонасининг раҳбари Бахтиёр Қаюмовларга насиб этди.

Ғолибларни шаҳар ва вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раҳбарлари ҳамда шаҳар ҳокими Карим Камоловлар қутлашди. Ғолибларга совғалар топширилди.

*Бу ҳақда Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтилган эди*

## ЕР МАЛҲАМИ "ЧЎНТАК МАЛҲАМИ"ГА АЙЛАНГАНДА...

### Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари билан таъминлаш тартибини белгиловчи қонун талаблари бузилмоқда. Нега?

**Мамлатимиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Дунё мамлакатларининг кўпчилиги Ўзбекистон деганда кўз олдига пахтани келтиради. Пахта бойлигимиз. Давлатимиз иқтисодиётини пахтасиз тасаввур қилиш қийин. Пахтанинг лўппи бўлиб очилишида деҳқоннинг пешона теридан ташқари минерал ва маҳаллий ўғитнинг ҳам ўз ўрни бор.**

Аммо Президент Ислом Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек "...таъминотчилар шартномада кўрсатилган ҳажмларда минерал ўғитлар ва ёқилғимойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётгани тўғрисида аниқ фактларни истаганча топиш мумкин".

Республика прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 мартдаги "2003 йил республикадаги қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ҳамда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари билан таъминлаш, сақлаш ва мақсадли ишлатилиш тартибини белгиловчи қонунчилик талаблари ижроси юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилди.

Аниқланишича, "Ўзқишлоқхўжаликкимё" давлат акциядорлик компанияси ва унинг тизимидаги корхоналар томонидан қишлоқ хўжалигига ҳукумат қарорида белгиланган миқдорларда минерал ўғитларни етказиб бериш лозим даражада бажарилмаган.

Ўтган йилда компания тизимидаги корхоналарни томонидан қишлоқ хўжалигига 613 минг тонна (99,3 фоиз) азот, 117,3 минг тонна (78,5 фоиз) фосфор ва 11,3 минг тонна (45,2 фоиз) калий етказиб берилган.

Компания тизимидаги корхоналарнинг мансабдор шахслари томонидан идоравий назоратнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида минерал ўғитларидан фойдаланишда хўжасизлик, талон-тарож ва бошқа суиистеъмолликлар содир этилганлик ҳолатлари аниқланган. Хусусан, Жиззах вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмасининг Ғаллаорол тумани бўлими бошлиғи ўринбосари И.Юсупов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 9,1 млн. сўмлик 200 тонна аммиакли селитра, омбор мудирлари Л.Хусанов 25,4 млн. сўмлик ва Ф.Рустамов 36,7 млн. сўмлик турли минерал ўғит ва химикатларни талон-тарож қилинганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан И.Юсупов ва омбор мудирлари Л.Ҳусанов ҳамда Ф. Рустамовларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Андижон вилоятидаги "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмасининг Булоқбоши тумани бўлимига қарашли дўкон мудири О.Жалолов томонидан 177,2 минг сўмлик 2,7 тонна ва Бўз тумани "Қишлоқхўжаликкимё" бўлими омбор мудири А.Омонов 610,6 минг сўмлик 1,2 тонна минерал ўғитларни талон-тарож қилганликлари ҳолатлари юзасидан уларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари мазмунан кўриб чиқишлик учун судга юборилган.

Асака туманининг "Қишлоқхўжаликкимё" бўлими минерал ўғитлари омбори ишчиси А.Абдулазизов 262 минг сўмлик 4 тонна карбомидни омборхонадан ўғирлаб, шу тумандаги У.Қорабоев номли ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро С. Ҳамидовга сотаётган вақтида ушланган.

Яна бир мисол. Сирдарё вилоятидаги "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмасининг Мирзаобод туман бўлимига қарашли 2-шаҳобча омбор мудири Ф.Хошимов 2,6 млн. сўмлик 2,5 тонна ва дўкон сотувчиси Ш.Ҳолматов 850 минг сўмлик 21,1 тонна, Меҳнатобод туман филиалига қарашли 4-шаҳобча мудири А.Алибоев 332 минг сўмлик 7,7 тонна, 2-шаҳобча мудири Э.Абдуллаев 193 минг сўмлик 5,7 тонна ҳамда Янгиер туманлараро филиалига қарашли 7-шаҳобча мудири Ж.Раҳмонов 379,7 минг сўмлик 7,7 тонна минерал ўғитларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганлиги ҳолатлари юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари судда кўрилиб, айбдорлар тегишли жазога тортилганлар. Кейинги пайтларда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Бироқ айрим фермерлар ишончни суиистеъмол қилмоқда.

Масалан, Тошкент вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмасиниг Пискент тумани бўлими омбор мудири Қ. Аширматов, Абдурашид Абдуғаниев номли фермер хўжалиги раҳбари А.Абдуғаниев билан ўзаро тил бириктириб, 2 тонна аммиакли селитрани омбордан олиб чиқиб, фуқаро А.Ҳотамовга 172 минг сўмга сотган.

Техника ҳақида гап кетса, техника-деҳқоннинг қаноти деган сўзни деҳқонлар кўп ишлатади. Бироқ ана шу "қанот"лар синдирилмоқда. Бундан ташқари айрим мансабдор шахслар томонидан техника ва эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда)

# МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН

**Паст Дарғом туманидаги Салим Малдаев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Давлатга режадаги 832 тонна ўрнига 932 тонна “оқ олтин” етказиб берилди. Яратилган ҳосилнинг 72 фоизи биринчи сортга қабул қилинди.**

Ғалла ишлаб чиқариш 1330 тоннани ташкил этди. Режада белгиланган ҳосилнинг 958 тоннаси давлатга топширилди. Аввалги йилларга нисбатан мўл ва сифатли пахта, ғалла етиштирган ширкат аъзолари 230 миллион сўм соф фойдага эга бўлдилар. Энг муҳими, режадан ортиқ етиштирилган доннинг асосий қисми ширкатчиларнинг ўзларига тақсимлаб берилди.

Одатда миришкор деҳқонлар юксак ҳосил учун курашни ҳар йили куздан бошлашади. Ерларни ўз вақтида 35-40 сантиметр чуқурликда об-тобига келтириб шудгор қилишади. Кўкламги экиш мавсуми бошлангунича тупроқ тузилишини таҳлил қилиб, қаерга қандай ишлов бериш, қанча ўғит солиш нормаларини белгилаб олишади. Қуёш ҳарорати ерга иссиқ бериши билан чигит экишни бошлайдилар.

— Пудратчиларимиз далаларида, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Актам Алимов, — қайноқ меҳнат бир дам бўлса-да тинмайди. Барча ишлар юксак агротехника талаблари асосида олиб борилади. Шу туфайли ерлар ҳосилдорлиги йил сайин ортиб бормоқда.

Масалан, ўтган йили Холмўмин Қозоқов бошлиқ ширкат аъзолари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан биринчи нав “оқ олтин” ҳосили етиштириб, белгиланган режани 117 фоизга бажарди.

Шунингдек, Элмурод Жуманов, Олим Мавлонов бош бўлган пудратчилар пахта ва ғалла тайёрлаш режаларини ортиғи билан бажариб, мўмайгина даромадга эга бўлишди.

Дарвоқе, шу кунларда хўжалик далаларида бўлган кишининг дили яйрайди. Айниқса, раис тилга олган пешқадам бригадаларда барча ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилган. Сифатли шудгорланган ерлар хамирдай кўпишиб, куч тўплаяпти. Пайкал четларида маҳаллий ўғитлардан тепачалар қад ростлаган. Ариқ-зовурларни тозалаш, йўл ва кўприкларни тузатиш, техникаларни таъмирдан чиқариш каби юмушлар ҳам қизғин олиб борилмоқда.

Ғалла экилган 420 гектар майдонда майсалар баравж ривожланмоқда. Ғаллакорлар ўтган йилгидан ҳам мўл ва сара дон етиштириш учун майсаларни меҳр билан парвариш қилаётирлар. Уларнинг қизғин меҳнати эртанги баракали ҳосилдан дарак бериб турибди.

**Ҳамро ШОДИЕВ**

## Партия ахбороти

# ЧИРЧИҚДА КОТИБ ЎЗГАРДИ



Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши томонидан жойларда партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш юзасидан муҳим ишлар қилинмоқда. Кенгаш яқиндагина Тошкент вилоят партия Кенгаши билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олганди. Бу борадаги амалий ишлар ўз самарасини бера бошлади. Буни биз Чирчиқ шаҳар партия Кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган пленумида ҳам тўла ҳис этдик.

Маълумки, Чирчиқ Республикамизнинг саноатлашган шаҳарларидан бири. Ўзига хос мавқега эга бўлган бу ҳудудда кейинги пайтларда партия ташкилотини ҳар жиҳатдан кучайтириш омиллари бой берилмоқда. Шаҳар партия Кенгаши ташаббусни қўлга олиб, ишни кучайтираётгани, яъни ўз мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун отни қамчилаётгани йўқ. Оқибатда имокниятлари шундай чексиз шаҳарда партия сафларини кўпайтириш ўзгаришсиз қолмоқда. Чирчиқ шаҳар партия Кенгашининг мазкур пленуми бу эътиборсизликка нуқта қўйди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилиб, шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келаётган Фурқат Мадаминов ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди. Чирчиқ шаҳар “Маҳалла” жамғармасининг раиси, партия аъзоси Жўрабой Норматовни пленум қатнашчилари бир овоздан Ўзбекистон “Адолат” СДП Чирчиқ шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайладилар.

Пленумда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев иштирок этиб, сўзга чиқди. Ўз навбатида пленумда қатнашган Тошкент вилоят “Нуроний” жамғармаси раиси Нўъмон Насимов, вилоят “Маҳалла” жамғармаси раиси Тўлқин Миркомилов ҳам ўз сўзида адолат сўзининг нақадар улуғ тушунча эканлигини таъкидлашиб, бу борада “Адолат” партияси олиб бораётган ишларга йиғилганларнинг эътиборини қаратдилар. Партиянинг мақсад ва вазифалари, бугунги кундаги обрў-эътибори ҳақида кенг тушунтириш беришди. Ўз навбатида иккала жамғарма томонидан вилоят партия Кенгашининг ташаббуси билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорликнинг истиқболларига тўхталишди.

Пленумда сўзга чиққанлар мамлакатимиз халқи ҳаётидаги муҳим воқеа — шу йилнинг охирида икки палатали мамлакат парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўриш ҳамда уни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳар бир партия аъзосининг муҳим вазифаларидан бири эканлигига йиғилганларнинг эътиборини қаратишди.

**Рустам ДОСТОН,**
**“Адолат” мухбири**

**Суратларда: пленумдан лавҳалар.**
**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар**

## Зарбдор қурилишларда

**Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлида кенг имкониятлар очилди. Жумладан, халқаро стандарт талабларига мос тушадиган узун масофадаги автомобиль йўллари, Қўнғирот-Нукус темир йўли фойдаланишга топширилди.**

Ўтган йили ҳукуматимиз қарори билан, Ғузор-Тошқўрғон янги темир йўли қурилишига асос солинди. Маскур темир йўл ишга тушгач юк ва йўловчи ташувчи поездларнинг ҳаракат вақти 5 соатга қисқаради. Ёки Термиз-Тошкент тез юрар поезди йўловчилари энди манзилларига беш соат олдин етиб оладилар...

Шу кунларда бу ерда қурилиш ишлари кун сайин жадаллашиб бормоқда. Темир йўлнинг Тошгузар, Бойсун, Қумқўрғон темир йўл қурилиши

# ЙЎЛИ ЯҚИННИНГ ИШИ УНУМЛИ

бош пудратчиси Сурхондарё вилоятининг “Каттақум” йўлсозларидир. Ҳозир қурувчилар 23 километрдаги темир йўлни тайёр ҳолга келтирдилар.

“Сурхонкомбинати” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ушбу темирйўл қурилишига 61 хилдаги темир-бетон буюмлари тайёрлаб, етказиб беради.

Завод меҳнат жамоаси ўтган хўжалик йилида 1,5 миллиард сўмлик темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати собиқ иттифоқ давридаги салоҳиятини тиклашга эришилган. Ўтган хўжалик йилида қардош Туркманистон Республикасига 732 куб метрда юқори босимли темир-бетон буюмлари етказиб берилди.

— Шуниси диққатга сазоворки, — дейди “Сурхонкомбинати” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг раиси Қорахон Турсунов, —ютуқларимизнинг қулфи-калити ишчи ва хизматчиларимизга яхши ғамхўрлигимиз, уларга зарур шароитлар яратиб берганимиз, ишда тартиб ва интизом ўрнатилганидадир. Ҳозир меҳнат жамоамизда 233 киши меҳнат қилади. 14 та цехимизда иш икки сменада олиб борилмоқда. Ҳар бир сменада меҳнат қилаётганларга бир марта бепул иссиқ овқат ташкил қилганмиз. Ўртача ойлик иш ҳақи ҳар бир ишчига 47 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Яхши меҳнат қилган киши даромод яратувчидир. Жамоанинг барча кўрсатгичларига назар ташласангиз режалар 110 фоиздан ошириб бажарилганлигининг гувоҳи бўласиз. Ютуқлар шарофати билан жамоа 50 миллион соф фойда олди. Завод ўзининг Ўрозбой Хуррамов, Исмоил Останақулов, Чоршанбе Абдуллаев, Ўрол Ёқубов, Ҳамид Аюповдек фидойилари билан шуҳрат қозонмоқда.

Халқимизда: “Йўл ва кўприк қурган етар муродга”, — деган доно нақл бор. Зеро, дилда туккан муродларимиз яхши ниятларнинг мустажосидадир.

**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,**
**“Адолат” мухбири**

# ҚЎШНИЧИЛИК МИНГ ЙИЛЧИЛИК

***“Евроосиё” жамғармаси томонидан қўллаб қувватланаётган 500 минг АҚШ доллари қийматидаги 25 та лойиҳа Фарғона водийсида амалга оширилмоқда. У Тожикистоннинг шимолий ва Қирғизистоннинг жанубий минтақаларини ҳам ўз ичига олади.***

Грант олувчилар кичик бизнес, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни мустаҳкамлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Хусусан, ўтган йил кузидан “Фарғона вилоятида ягона ахборот макони” лойиҳаси иш бошлади.Мазкур лойиҳа Андижон вилоятидаги “Иқбол”, Суғд вилоятидаги “Вароруд”, Жалолобод вилоятидаги “Фарғона” газеталари таҳририятлари томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа уч вилоят аҳолиси хабардорлигини ошириш, яқин қўшнилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақадаги умумий муаммоларни биргаликда ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Газеталар саҳифаларида чегарадош вилоятлар аҳолисининг турмуши ва маданиятига оид мақола ва хабарлар мунтазам ёритилмоқда.

**К.НИЗОМОВ.**

## Партиямиз жонкуярлари

# БАРАКА МЕҲНАТДА

**— дейди Шаҳрисабздаги “Обидон-дон” масъулияти чекланган жамият раиси Абдурашид АҲМЕДОВ**

**Шаҳрисабзда ўзига хос мавқега эга бўлган бу корхонанинг ютуқлари ҳақида кўп эшитганман. Унда тайёрланаётган маҳсулотларнинг кўпчиликка манзурлиги ҳақида айтмасак ҳам бўлади. Жамоа раҳбари Абдурашид Аҳмедов билан суҳбатлашсангиз ютуқларнинг боисини меҳнатга йўяди.**

Зеро, барака меҳнатда, ҳалолликда деганларича бор. Абдурашид ака “Дон — халқ ризқи” очиқ ҳиссадорлик жамияти қошидаги “Обидон”дон масъулияти чекланган жамиятнинг ютуқларини бойитиш билан биргаликда бу ерда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотига ҳам етакчилик қилмоқда. Биз у билан учрашиб, жамоада қилинаётган ишлар ва бошланғич партия ташкилотининг фаолияти хусусида суҳбатлашдик.

**— Дорбозни маҳорат асрайди, маҳоратлининг қўлидан чиққан кема тўфон пайтида ўзини кўрсатади, дейди халқимиз. Шу маънода демоқчимизки, туман аҳли ҳозир корхона маҳсулотлари сифатидан мамнун экан. Айтингчи бунга қандай эришаяпсизлар?**

— Инсониятни вояга етказган — меҳнатдир. Меҳнат қилиш учун ҳам ижод қила билиш керак. Корхонамизда асосан дон қайта ишланади. Биласиз, ундан ҳар хил тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Биз дастлаб шу масала устида иш олиб бордик. Хамир қорувчи мослама ва керакли жиҳозни бўш ётган корхоналардан келтирдик. Ускуналарни ўрнатиб бўлгач, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошладик. Савдода биз ишлаб чиқараётган нон, макарон, печеньелар асло тўхтаб қолгани йўқ. Аҳоли севиб харид қилаяпти. Шу туфайли ўтган йили 458 тонна макарон, 142 тонна печенье, 50 тонна нон ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларимизнинг харидоргирлигига асосий сабаб биринчидан сифатлилиги бўлса, иккинчидан арзонлиги. Масалан, биз маҳсулотга ортиш, тушириш, йўл ҳаражатлари каби ҳеч қандай устама қўймаймиз. Корхонамиз гарчи ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт ўтмаган бўлсада, ўтган йили 15 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳозир ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг ойлик маоши ўртача 25-35 минг сўмни ташкил этаяпти. Жамиятимизда айни пайтда 25 киши иш билан таъминланди. Келгусида қўшимча цехлар ташкил этиб, яна 30 нафар ишсиз фуқарони ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этамиз.

**— Сиз айни пайтда жамоада Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг бошланғич ташкилотига раҳбарлик ҳам қилаётган экансиз. Эндиликда котиб сифатида партия аъзолари орасида қандай ишларни амалга ошираяпсиз? Умуман партиянинг обрўсини ошириш учун нималар қилиш керак деб ҳисоблайсиз?**

— Жамиятимизда 150 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Шулардан 30 нафарга яқини партиямиз аъзоси. Яна орамизда партиямизга хайрихоҳлар кўп. Ихтиёрий равишда сафларимизга қўшилиш истагида бўлганларга партиямизнинг Дастури ва Низомини ҳаётий мисоллар билан кенг тушунтира бораяпмиз. Шунингдек, Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Олий Мажлисда қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини ҳам тарғиб қилаяпмиз. Ҳар битта жамоада сиёсий ўқувни ташкил этганмиз. Шунга асосан партиямиз фаоллари ҳафтанинг ҳар жума куни машғулот олиб боришаяпти. Мен эса шу кеча-кундузда партиямиз сафларини кенгайтириш, ҳар томонлама сиёсий жиҳатдан етук кадрлар билан мустаҳкамлаш, қолаверса, жорий йил декабрь ойида бўладиган сайловларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик ишларини олиб бораяпман. Партиямиз обрўсини ошириш масаласига келганда энг аввало фаолларимиз партиямизнинг ғоялари билан халқ орасига кўпроқ кириб боришлари керак деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотимиз ҳузурида тарғибот гуруҳини тузганмиз. Улар навбати билан маҳаллаларда, корхона, ташкилотларда бўлиб, партиямиз дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб қилишаяпти. Аҳолининг муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатаяпмиз. Бу эса хайрихоҳлар сонининг ошишига туртки бўлаётир. Ҳеч шубҳасиз, партиямиз аъзолари шу йил бўладиган сайловларга ҳар томонлама фаол иштирок этиб, муносиб номзодлар учун овоз берадилар.

**Суҳбатдош:**
**Комил САХАТОВ,**
**“Адолат” мухбири**

# ЕР МАЛҲАМИ “ЧЎНТАК МАЛҲАМИ”ГА АЙЛАНГАНДА...

**Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари билан таъминлаш тартибини белгиловчи қонунчилик талаблари бузилмоқда. Нега?**

**(Давоми.Боши 1-бетда)**

Хусусан, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани “Қишлоқхўжаликкимё” бўлими муҳандиси Ф.Мамараҳимов 121,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни, бўлим бошлиғи Ф.Бобоёров эса “ДЗ-101” русумли умумий баҳоси 303,2 минг сўмлик бўлган тракторни ўзлаштирганликлари ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Оқдарё тумани “Қишлоқхўжаликкимё” бўлими омбор мудири О.Довуров ўзининг жавобгарлигидаги 69,6 минг сўмлик товар моддий бойликларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Таҳлилларга кўра, айрим хўжалик раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар томонидан мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш, талон-тарож қилиш ва хизмат вазифасига совуққонлик билан қараш каби жиноятлари ҳам содир қилинган.

Хусусан, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги “Сазағон” ширкат хўжалиги минерал ўғитлар омбори мудири Д.Саттаров ва хўжалик бош ҳисобчиси Ф.Самиевлар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2,8 млн. сўмлик 43 тонна аммиакли селитрани номаълум шахсларга сотиб, талон-тарож қилганлар.

Минерал ўғитларни республикадан ташқарига қонунсиз олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамай Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон Республикалари билан чегарадош бўлган айрим ҳудудларда бундай ҳоллар содир этилиб турибди.

Текширувлар давомида Жиззах вилоятида 118 та, Наманганда 148 та, Фарғонада 96 та, Андижонда 66 та, Сирдарёда 26 та, Тошкентда 4 та ва Самарқанд вилоятида 1 та республикадан минерал ўғитларни четга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари аниқланган.

Жумладан, Сирдарё вилоятининг Ховос шаҳарчаси А.Яссавий кўчаси 61-уйда яшовчи Р.Абдужабборов давлат белгиси бўлмаган “Урал” русмли мотоциклда айланма йўллар орқали 20,3 минг сўмлик 350 килограмм селитрани Тожикистон Республикасига олиб кетаётган вақтда ушланиб, маъмурий жавобгарликка тортилган.

Жиззах вилоятида яшовчи Ш.Сафаров Тожикистон Республикасида сотиш учун 23,5 минг сўмлик 560 килограмм минерал ўғитни чегарадан олиб ўтаётганида ушланган.

Фуқаролар Т.Раҳимов ва У.Сейдамановлар ҳам ўзаро жиноий тил бириктириб, Қозоғистон Республикасига 491,8 минг сўмлик 11 тонна аммиакли селитрани чегарадан олиб ўтаётганда божхона ходимлари томонидан ушланганлар.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари судда кўрилиб, айбдор шахслар суднинг ҳукми билан тегишли жазога тортилган.

Бу йилги дала ишлари ҳар йилгидан эрта бошланмоқда. Деҳқончиликнинг кўзини билган пахтакорлар чигит экиш учун техникаларни старт чизиғига келтириб қўйдилар. Эндиги вазифа чигитни ўз вақтида экиб, ғўза ниҳолларига сифатли ишлов беришдир. Бироқ жойлардаги айрим раҳбарларнинг лоқайдликлари туфайли минерал ўғитлар, техникалар талон-тарож қилинмоқда. Аҳвол шундай давом этадиган бўлса, кузда яна режалар барбод бўлиб, деҳқонларимиз мулзам бўлиб қолиши мумкин.

**Рустам НИШОНОВ,**
**Республика бош прокуратурасининг Умумий назорат бошқармаси катта прокурори**

# КЎЧМАС МУЛК САВДОЛАРИ

***Жорий йилнинг ўтган ойида Республика кўчмас мулк биржасининг Бухоро вилояти бўлимида учта биржа ва учта кимошди савдолари ўтказилди. Уларда жами 100,5 миллион сўмлик 47 та иншоот сотилди.***

Сотилган иншоотлардан саккизтаси 28,6 миллион сўмлик давлат мулки ҳисобланади. Улардан бири кўчмас мулк ва еттитаси эса Ромитан ва Ғиждувон туманларидаги уй-жой қуришга ажратилган ер майдонларидан иборат. Иккиламчи бозорда эса 71,9 миллион сўмлик 39 та иншоот сотилди. Мулкларнинг нархи дастлабки баҳосига нисбатан ўртача 150 фоизни ташкил этди.

**А.ҚУДРАТОВ.**

## Спорт ва саломатлик

# ҚОРАТЕПА ҚИШЛОҒИДА ЎЙИНГОҲ ҚУРИЛЯПТИ

**Асака туманида “Қоратепа” номи билан аталувчи сўлим ва обод қишлоқ бор. Фарғона вилояти Кува тумани билан чегарадош. Туман марказидан 12 чақирим олисда жойлашган, 30 минг аҳоли яшайдиган бу қишлоқ аҳолисининг 18 минг нафарини ёшлар ташкил этади. Бу ерда спортни жон-дилидан севувчи, унга меҳрини қўйган йигит-қизлар талайгина.**

Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш ҳақидаги Фармонидан сўнг соҳага бўлган эътибор янада кучайди. Қишлоқда 15 минг томошабинга мўлжалланган, жаҳон андозаси даражасидаги ўйингоҳ бунёд этилмоқда. Унинг лойиҳа қиймати 2 миллиард 350 миллион сўмга тенг. Бунёдкорлик ишлари ҳашар йўли билан амалга оширилаяпти. Бу хайрли ишга ўтган йилнинг март ойидан киришилди. Иншоотнинг узунлиги 170 метр, эни 84 метрни ташкил этади. Қисқа вақт ичида 35 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди, 400 кубометр бетон ётқизилди. Бу ишларда ширкатнинг 1000 нафар аъзоси ва маҳалла аҳолиси қатнашиб ишни тез ва сифатли амалга оширишди. Бетон четдан сотиб олинмаяпти, аксинча, иншоотнинг ўзида тайёрланаяпти. "Асакасой" бўйларидан ташиб келтирилган чим эса футбол майдонига ётқизилди.

Лойиҳада белгиланганидек, баландлиги 30 метрли, икки қаватли ўйингоҳ трибунасининг биринчи қаватида ҳакамлар хонаси, футболчилар учун ечиниш-кийиниш бўлими ва душхоналар бор.

Бугунгача бажарилган ишларнинг барчаси қўл кучи ва ширкат хўжалигининг техникалари ёрдами ҳисобига амалга оширилди. Четдан ёлланма ишчи ва техникаларга зарурат бўлмади. Амалга оширилган ишларга 60 миллион сўм маблағ сарф қилинди. Смета-лойиҳада қайд этилган маблағ сарфланиши шарт эмас. Чунки ширкат хўжалиги ҳисоб рақамида ана шундай ҳажмдаги бўш маблағ йўқ. Бир сўз билан айтганда ишларнинг қолган қисмлари ҳам ҳашар йўли билан бажарилади.

Барпо этилаётган ўйингоҳ ёнида қишлоқ маданият боғи бор. Унга 45 минг туп терак экилиб парвариш қилинмоқда. Боғда икки минг ўринли кураш майдони қурилган. Шунингдек, ёзги эстрада саҳнаси ҳам мавжуд. Боғнинг умумий майдони 6 гектарни ташкил этади.

Тошкент, Наманган вилоятларининг Янгийўл, Косонсой, Задарё туманлари ҳокимлиги вакиллари бу ерда бўлишиб хўжаликда барпо этилаётган ўйингоҳ ва кураш майдонларини, кўздан кечирдилар. Қоратепада юзага келаётган ўйингоҳ мазкур ширкат хўжалиги раҳбарияти, айниқса хўжалик бошқаруви раиси Абдуманноб Парпиевнинг спорнинг аҳамиятини яхши билганликлари ва унга амалий эътиборларидан далолатдир. Ўйингоҳ мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами нишонланадиган кунда фойдаланишга топширилади. Ана шунда Бобур номли ширкат хўжалиги футбол жамоаси республика иккинчи лига чемпионатида иштирок этиб, Асака тумани шарафини ҳимоя қилади.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, яқинда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят қўмитаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида ширкат хўжаликлари жамоалари ўртасида “Оқ олтин” кубоги учун футбол бўйича мусобақалар ўтказди. Унда вилоятимизнинг барча туманлари қатнашди. Ана шу нуфузли беллашувларда Қоратепа футбол жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб бош совринга сазовор бўлди.

— Жамоамизга хўжалик бошқаруви барча шарт-шароитларни яратиб беряпти, — дейди футбол жамоаси сардори Музаффар Раҳимбердиев. — Спорт кийим-кечакларимиз, футбол тўплари етарли. Жамоа кўплаб турнирларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Қишлоқда спортнинг таэквандо, бокс, белбоғли кураш турлари тобора оммалашиб боряпти. Қишлоқ спортчилари вилоят, республика мусобақаларида иштирок этиб, қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Йиллар ўтаверади. Бироқ бунёд этилаётган ўйингоҳ, спорт майдонлари авлодлар оша қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қоратепаликлар орасидан машҳур спортчилар етишиб чиқиши учун хизмат қилаверади.

**Б.ЗОКИРЖОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**
**С.ТЎЛҚИНОВ,**
**“Адолат” мухбири.**

# ДЕҲҚОН БИЛАН ҲАМНАФАС

**Бир вақтлар устоз журналистлардан бири раҳбарлар ҳақида мақтаб ёзмоқчи бўлсанг, уларнинг баландпарвоз, чиройли сўзларига қараб эмас, халққа ғамхўрлиги, юртимиз равнақи учун фидокорлигини билиб ёз деганди. Бундай олганда бу гапда жон бор. Хизмат тақозоси билан биз журналистлар кўпчилик раҳбарлар билан учрашамиз. Юрагида эл-юрт ишқи бўлган раҳбар ўзидан кўра жамоаси томонидан одамларнинг меҳнати туфайли эришилган ютуқлар ҳақида айтишади.**

“Навоийқишлоқхўжаликкимё” очиқ турдаги акциядорлик жамияти бирлашмасига қарашли Хатирчи туман филиали раиси Ибодулла Мустафоев ҳам ана шундай камтар, ўзидан кўра одамлар меҳнатини кўз-кўз қиладиган раҳбарлар тоифасидан экан. Хатирчиликларнинг айтишича, Ибодулла Мустафоев қарийб 8 йил Абриев номли ширкат хўжалигини бошқарган. Ана шу йиллар мобайнида у ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бажариш билан, ундан кўрилган катта-катта даромадлар эвазига хўжалик ҳудудидаги қишлоқ йўлларини ободонлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш сингари турмуш тарзига алоҳида эътибор қилган.

Шунингдек, мактаб ва болалар боғчалари биноларини таъмирлаш, кам даромадли ва меҳнат фахрийларига катта ёрдам берган. Шу боис ҳам ҳали-ҳанузгача ширкат хўжалиги меҳнат аҳли Ибодулла Мустафоевнинг жонкуярлиги ва фидойилигини фахр ва ифтихор ҳисси билан айтиб юришаётир.

2000 йили Ибодулла Мустафоев “Навоийқишлоқхўжаликкимё” ҳиссадорлик жамияти бирлашмасининг Хатирчи туман филиалига раҳбар бўлиб келганида ишни жамоа ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, деҳқонларга ҳалол хизмат кўрсатиш, хўжаликларга ўғит тарқатилишида талон-тарожликка йўл қўймаслик, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлигидан бошлади. Бунинг учун тумандаги хўжаликларга чиқиб раислар, фермерлар билан давлат томонидан келтирилаётган ўғитнинг ҳар бир ҳовучи ҳисоб-китобли, уни очиқ ҳавода ташлаб қўйиш, баъзи кимсалар томонидан талон-тарож қилдиришга йўл қўймаслик ҳақида жон куйдириб суҳбат ўтказди.

Ибодулланинг хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари билан ана шундай тарзда иш юритиши бежиз эмас эди. негаки, кўпчилик хўжаликларда катта-катта маблағлар ҳисобига келтирилган ўғит очиқ жойларда сочилиб ётганлигини гувоҳи бўлган... Бундан ташқари баъзи хўжаликлардаги омбор мудирлари ва ўғит ташувчи шахслар арзимаган чой чақа учун шахсий томорқа эгаларига пуллаган фактлари ҳам қулоғига чалинган. Ана шунинг натижасида хўжаликлардаги ерларга керакли миқдорда ўғит солинмай ғўза ва экинлар ривожидан қолиб ҳосилдорлик пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Биз бундан тўрт-беш йил аввал филиалда бўлган эдик. Ўшанда бу маскан эгаси йўқ жойга ўхшаб ётганди. Деворсиз бўлганидан баъзи йўловчилар узоғини яқин қилиш учун ташкилот ичкарисидан ўтиб қайтишарди. Ўғитлар жойланган омборхонанинг ҳам шиферлари синганидан дорилар ёғин-сочинда қолиб кетарди. Ташкилотнинг каттагина майдонидан фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Ибодулла Мустафоев ишга келган кезлари бундай хунук аҳволни кўриб ич-ичидан қаттиқ ачинди. У омборхоналарни қайта таъмирлаш, ташкилот атрофини девор билан ўраш, ташландиқ майдондан самарали фойдаланиш йўлларини қидирди.

Бугунги кунда филиал ҳовлисига кирган кишининг баҳри дили очилади.

— Ўтган йили, — дейди Ибодулла Мустафоев ташкилотимиз атрофидаги 8 гектар ерда жамоамиз томонидан картошка, сабзи, пиёз, мош ва помидор сингари рўзғор маҳсулотлари етиштирилди. Филиалимиз ана шу деҳқончиликдан ярим миллион сўм даромад кўрди. Бундан ташқари ишчи-хизматчиларимизга ҳам шу маҳсулотдан тарқатдик. Бу йил боғдорчиликка ҳам эътибор қаратдик. Филиалга тегишли очиқ майдонларни бир қаричи ҳам бекор турмаслиги учун, 1,2 гектар майдонда боғ яратиш учун нок, олма, залдори, ҳурмо кўчатларини ўтказдик. Бу ишда Умарқул Ёдгоровнинг хизматлари катта бўлди. Бундан ташқари Оқтошдаги темирйўл яқинида ва туманимиздаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигида 1000 тоннадан уруғ сақланадиган омборлар қурилди.

Ибодулла Мустафоев раҳбарлик қилаётган филиал жамоаси ҳамма ишда жонкуярликларини намоён этишаётир. Айниқса, асосий хизмат ширкат хўжаликларига уруғ етказиб бериш, деҳқонлар экинларини ўз вақтида ва сифатли дорилаб беришда кунни-тунга улаб хизмат қилишяпти. Биргина ўтган йили ширкат ва жамоа хўжаликларига 1200 тонна ўрнига, 1872 тонна минерал ўғит, ташиб беришди. Режадаги 1000 гектар ўрнига 1129 гектар майдонга зараркунандаларга қарши ишлов хизматини бажаришди. Мижозларга автотранспорт хизматини ҳам намунали бажардилар. Деҳқонларга 4000 тонна ўрнига 6155 тонна юк ташиб бериб, бу борадаги режани 153,9 фоизга уддалашди.

Жамоанинг баракали меҳнат қилаётганликлари туфайли 39800,0 сўм фойда олиш кутилаётир. Ялпи даромад эса 203228,0 сўмга яъни 102,3 фоизга бажарилди.

Ютуқлар ўз ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ албатта. Муваффақиятнинг замирида моҳир ташкилотчи, тадбиркор раҳбар, эл-юрт иши учун жонкуяр Ибодулла Мустафоевнинг саъй-ҳаракати туфайлидир.

**Аскар ЖАЛИЛОВ,**
**“Адолат” мухбири**

